

Тошкентда Ислом молияси бўйича амалий семинар ўтказилди



16:38 / 13.10.2021 1002

Аввал хабар қилганимиздек, жорий йилнинг 9 октябр куни Тошкент шаҳрида «Ислом молияси» лойиҳаси ҳамда «Islamic Business and Finance» (IsBF) компанияси томонидан «Ислом молияси: насия савдо қоидалари, муаммолари ва ечимлари, ижара ҳамда бизнесда барака омиллари» мавзусида амалий семинар ўтказилди.

Семинар давомида иштирокчиларга Ислом молияси асосида савдо-сотик юритилишининг асосий омиллари очиб берилди.

Амалий семинар Жаҳонгир Имамназаров, Музаффар Ҳусниддинов ҳамда «Бизнесда барака омиллари» курси асосчиси Козимхон Тўраевлар томонидан олиб борилди.

Тадбирда меҳмон спикер сифатида қатнашган Ислом Тараққиёт Банки ҳузуридаги Ислом корпорацияси (ICD) мутахассиси, Ўзбекистон тижорат банкларида Ислом дарчаларини очиш бўйича лойиҳа раҳбари Музаффар Низомиддинов Ислом молияси асослари ва Муробаҳа маҳсулоти бўйича дарс ўтиб берган бўлса, Ўзбекистон мусулмонлари идораси бўлими мудирини, «Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати аъзоси Муҳаммад Айюбхон домла Ҳомидов иштирокчиларнинг савдо фикҳи ва молиявий масалаларга оид кўплаб саволларига жавоб бердилар.